

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ШАХСЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА АЛОҚАДОРЛИГИ.

Арипов Алишер Сайфиддинович

Навоий давлат педагогика институти ижтимоий фанлар кафедрасининг мустақил тадқиқотчиси.

Тел:+99898-189-78-88

Ўзбекистон. Навоий вилояти. Навоий шаҳри.

Ўзбекистон Республикасида, мустақиллик йилларида, коррупцияни олдини олиш мақсадида бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда шу ҳужжатлар асосида маҳсус ваколатли органлар шакллантирилган. Шу кунга қадар коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва ташкил этилган ваколатли органларнинг айримларини кўриб чиқсан.

Миллий қонунчиликда давлат хизматчилари учун коррупцияни олдини олиш мақсадида ўрнатилган чекловлар ва тақиқлар мавжуд. Жумладан, давлат хизматчиси бошқа ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас (педагогик, илмий фаолият бундан мустасно);

- давлат хизматчилари учун тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки бошқалар орқали шуғулланиш тақиқланган;

- давлат хизматчиси учинчи шахсларнинг вакили бўлиши мумкин эмас;

- давлат хизматчиси хизматдан ташқари вақтдамоддий-техник, молиявий ва ахборот воситаларидан, давлатнинг бошқа мулкидан ва хизмат маълумотларидан фойдаланиши тақиқланади;

- давлат хизматчилари жисмоний ва юридик шахслардан мансаб мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мукофот ва совғаларни олиши тақиқланади;

- жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан хизмат сафарига ёки хорижий сафарга бориш тақиқланади ва бошқалар¹.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда молиявий ҳисобдорлик муҳим роль ўйнайди. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат оммавий мансабдор шахсларнинг тегишли органларга хизматдан ташқари фаолияти, машғулотлари, инвестициялари, активлари ва вазифалари билан боғлиқ

¹ Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С, Рахимова М.А. Давлат хизмати // Ўқув қўлланма. 2015. - 172 б

– Тошкент: Baktria press,





манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа даромадлари ва ҳадялар ҳақида декларация тақдим этишлари шартлигини белгиловчи тартибни жорий қилиши белгиланган².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси 79- моддасига (қариндош-уруғларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилишларини чеклаш) мувофиқ, ўзаро яқин қариндош ёки қуда-андага бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиласидаган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади ва бошқалар³. Бу норма олдиндан манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 март куни 103-сонли “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғриси”да Қарорида қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига, давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахсларга, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига, давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимларига, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи органлари томонидан ички тартиб қоидаларга ўзgartириш ва қўшимчалар киритилди.

² БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

³ Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон

⁴ <http://lex.uz/acts/398596>





Давлат хизматининг халқаро-ҳуқуқий асосини универсал характерга эга бўлган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бир қатор маҳсус ҳужжатлар ташкил этади, мазкур ҳужжатлар давлат хизматчиларининг иккита асосий йўналишдаги фаолияти кафолатланишига қаратилган.

Биринчиси, давлат хизматчиларига олдига қўйилган талаблар-касбга садоқат маҳоратини ошириш, ўз касбига оид қадр-қимматни, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш ва бошқалар.

Иккинчиси, давлат хизматидаги кафолатлар давлат хизматчиларининг хавфсизлиги ва ва дахлсизлигини ҳимоялашга қаратилган.

Халқаро ҳужжатларда биринчи бор коррупция тушунчасига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси”да таъриф берилган бўлиб, унга кўра коррупция деганда “... мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги” деб таъриф берилди⁵.

Давлат органларида коррупция вужудга келиш сабабларини қуидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- давлат органларининг одоб-аҳлоқ намунавий қоидалари белгиланган бўлса-да, аммо уни бузганлик бўйича аниқ жазо чораларини қўлловчи нормалар мавжуд эмас;
- давлат хизматини тартибга солувчи ягона норматив мавжуд эмас;
- давлат хизматида ягона назорат қилувчи орган мавжуд эмас;
- давлат хизматчисининг иерархик ва мансаб ўсиш тамойиллари мавжуд эмас;
- ижро ҳокимият органларида қонун бузилиши ва вужудга келиш ҳолатларини назорат қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган;
- давлат органларининг расмий иш ҳақларининг камлиги;
- давлат органларининг хизмат ваколатлари чекланмаганлиги сабабли, айrim инсонлар гуруҳига ўтказадиган таъсирини аниqlаш мумкин эмас;
- баъзи давлат органларига қабул қилиниш тамойиллари ва бўш иш жойлари (вакансиялар) тўғрисида очиқ маълумотлар мавжуд эмас;

⁵ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. БМТ, Нью-Йорк, 2004 йил.



- давлат органларининг самарадорлигини баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилмаган;
- давлат органлари хизматчиларининг ижтимоий ҳимоя масалалари паст;
- коррупциоген ҳолатларни олдини олиш учун онлайн тизим ташкил этилмаган.

Агар юқоридагилар қонуний даражада тартибга солиниб, давлат органлари хизматчилариға маълум имтиёзлар берилса, коррупцияга тўғридан-тўғри таъсир қилмаса-да, унинг илдизлариға зарба беради ҳамда пайдо бўлиш омилларини қисқартиради. Коррупция – фақатгина Ўзбекистон эмас, балки аксарият ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги асосий бош оғриқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам бу борада мустасно эмас. Албатта, бу «касаллик» билан курашиш лозим албатта. Бироқ, унинг кўринишлари эмас, аксинча унинг келиб чиқиш сабабларига қарши курашиш керак.

